
Таъмирлаш ишлари сабабли эртага туманнинг айрим ҳудудларида электр таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади

“Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг тегишли хабарномасига асосан, эртага 8 июн куни 35/10 кВли “Конизар” нимстанциясининг Т-1 ячейкасида реле ҳимоясини текшириш ишлари олиб борилади.

Шу боисдан, мазкур нимстанциядан таъминланувчи 10 кВли "Нон завод" ҳамда “Совуткич-1” узатмалари орқали электр энергиясини етказиб бериш вақтинча тўхтатилади. Айни узатмалар орқали электр энергияси билан таъминланадиган Боғи Эрам, Қулибек, Оқтепа, Хотамтой, Бўстон ва Нурли Келажак маҳаллаларидаги истеъмолчиларнинг электр таъминотида эртага, 8 июн куни соат 09:00 дан 17:00 гача вақтинчалик узилиш бўлади кузатилади.

Ҳурматли истеъмолчилар! Юқорида кўрсатилган вақт давомида зарур эҳтиёт чораларини кўришингиз лозимлигини эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси
Мурожаат учун телефон: ☎ (95) 402-13-52, (73) 539-16-03

2023-06-07 17:49:25